УзССР Давлат китоб палатаси
КРS.
Уз книжная палата УзССР
30 ДЕК 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 92 (20. 959) 1991 йил 16 май, пайшанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар:

● Фармон ва унинг ижроси

ҚИШЛОҚҚА СУВ КЕЛДИ

● **Фрунзе районидаги Охунбобоев номли давлат хўжалиги ҳудудидаги Чиннибобод, Қашқар қишлоқларининг аҳолиси эндликда тоза ичимлик суви билан таъминландилар.** Давлат хўжалиги марказида барча қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминловчи марказлашган водопровод қувурлари ишга туширилди. Ушбу сув тармоғи учун давлат хўжалиги 250 минг сўм маблағ сарфлади.

Бундан ташқари район Уймовут, Ганжировон, Урганчи, Қум-қияли, Чомоч, Янги қудуқ сингари қишлоқ ҳудудларининг аҳолиси ҳам тоза ичимлик суви билан таъминланишди. Бу эса районда 30 километрдан зиёд масофани ташкил қилмоқда. Президент Фармонининг бажарилиши район қишлоқларида ичимлик сувларининг етишмаслиги туфайли юзага келиши мумкин бўлган касалликларни бартараф этди, аҳолига оқинди ариқ сувларини ташиб ичишига ҳожат қолмади. Ҳозирда район ҳудудида барпо қилинаётган янги қишлоқлар, маҳаллалар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш тадбирлари ҳам амалга оширилмоқда.

(ЎзТАГ).

● Иқтисодиёт янгиликлари

ТИЖОРАТ МАРКАЗИ

Яқинда Наманган шаҳар ижроия комитети «Сайҳун» деб номланган ишлаб чиқариш-тижорат ассоциациясини рўйхатдан ўтказди.

— Тўғриси, бундай ташкилотнинг тузилиши даврнинг талабидан келиб чиқяпти, — дейди ассоциация президенти, иқтисод фанлари номзоди М. Ҳамидов. — У бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар, хўжаликлар ва ширкатлар ишлаб чиқариш техник даражасини оширади, маҳсулотлар ва хизматнинг янги турларини ўзлаштиришга, ҳом ашё ва зарур материаллардан фойдаланиб тайёр маҳсулот сотишга имкон беради.

Вилоятдаги 20 дан зиёд корхоналар, хўжаликлар, ширкатлар ва ўқув юртлари янги ишлаб чиқариш-тижорат марказининг аъзоси бўлиш истагини билдиришмоқда.

А. АНДРЕЕВ.

ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

Москва районидаги «Правда» жамоа хўжалиги ҳудудида кейинги икки йилнинг ўзида ғишт заводи, асфальт тайёрлаш цехи, 2 та маиший хизмат кўрсатиш уйи, обжувоз, тегирмон ишга туширилди. Айни пайтда атлас тўқиш фабрикаси, барқут ва шолча тўқиш цехларини очишга тайёргарлик кўрилмоқда. Ана шу йўл билан жамоа хўжалиги ҳудудида 500 кишини иш билан таъминлаш кўзда тутиляпти.

Жамоа хўжалиги ҳисобидан Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранларидан 15 кишига янги уй қуриб берилди. Шунингдек, уларга ойига 60 сўм миқдорида ички нафақа тўлаш жорий этилди. Қувончлиси, бундай ғамхўрликлар меҳнат аҳли фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

К. НИШОНОВ.

О. С. ШЕНИН ТОШКЕНТДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг котиби О. С. Шенин 15 май куни Ўзбекистон пойтахтига келди.

Аэропортда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, жумҳурият Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

Жигаристон: ● ЙЎЛЛАР ҚУРИЛМОҚДА

Табиий офатдан шикастланган Ангрен шаҳридаги Жигаристон қишлоғи учун равон йўллар жуда лозим. Бу юмушни бажариш Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиши вазирлигига қарашли кўприк қурилиши бошқармаси зиммасига юклатилган.

Мазкур бошқарманинг азаматлари Коммунистик районидаги ҳамкасблари билан ҳамжиҳатликда кенг кўламда катта ишларни амалга оширмоқдалар. Бошқарма бош инженери Юрий Георгиевич Бочков қуйидагиларни гапириб берди.

— Биз қисқа вақт ичида 12 минг тоннадан зиёд тупроқ ва шағални янги йўлларга ётқизиб бўлдик. Ҳозир устидан сақич қуйиляпти. Келгуси ҳафтадан асфальтлашга ўтамиз. Бунинг учун уч минг тоннадан ортиқ асфальтни вилоятдаги Болта ва Пискент корхоналарининг азаматлари етказиб беради.

Йўл қурилишида қудратли механизмларни бошқарувчилардан Р. Хурумов, А. Чиғатоев, К. Жўманов, Ш. Турғунбоев, З. Умадов, прораб А. Зайцев тиним билмай меҳнат қилишмоқда. Биз йўлсозлар ўзимизнинг бундай меҳнатимиз билан Жигаристон аҳолисининг қалбига далда ва мададкор бўла олсак, ўзимизни мамнун ҳисоблаймиз.

Жигаристон офатидан зарар кўрган оилалар учун янги уй-жой биноларини бунёд этиш ҳам жадал бормоқда. Шу йилнинг биринчи сентябрига қадар фойдаланишга топширилиши лозим бўлган 50 та уйнинг 15 тасини қуриб бериш Ангрен шахталар қурилиши ва монтажи бошқармаси бунёдкорлари зиммасига берилган. Бошқарма бошлиғи **Анатолий Васильевич Гуляев** бундай деди:

— Қурилиш майдонида барча керакли техника воситалари тўла ишлатилмоқда. Бу ерда шуни фахр билан айтиб ўтиш лозимки, қурувчиларимиз сафида қардош Қирғизистоннинг Қизилқия конидан келган азаматлар ҳам биз билан биргаликда ёнма-ён туриб ишламоқдалар. Барча қурилиш материаллари етарли. Иш белгиланган топшириқ асосида олиб борилмоқда. Ҳадемай жигаристонликлар яшайдиган 4 ва 5 хонали ғиштли уйларнинг қомати кўзга ташланиб қолади.

А. ПУЛАТОВ.

● Иштихон ноҳиясидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида механизатор Акбар Эшбековнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. У ҳар мавсум зиммасидаги ишларни сидқидилдан бажаради.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ИШ КАЛЕНДАРИ

Москвада Совет давлати бошлиғи матбуот шўъбасининг раҳбари В. Н. Игнатенко журналистлар билан учрашув ўтказди. Учрашувда у одатдагидек СССР Президентининг яқин кунлардаги иш календари ҳақида ахборот берди.

Италия Вазирлар Кенгашининг раиси Ж. Андреотти келгуси ҳафтада Москвага бир кунга ташриф буюриши журналистларга маълум қилинди, Президент ёрдамчисининг айтишича, меҳмон «Кремлда жуда эъзозли ва мўътабар суҳбатдош бўлади». Икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги даражасига юқори баҳо ҳам берилди.

Маълум қилинишича, М. С. Горбачев 5 июнда Норвегия пойтахти — Ослога жўнаб кетади, у ерда Нобель мукофоти комитетида лекция ўқийди, 6 июнда эса Швецияга қисқа амалий ташриф буюради.

Совет-Америка муносабатлари мавзуи учрашувда катта ўрин олди.

М. С. Горбачев шу йил ёзида олий даражада кенг кўламли учрашув ўтказиш ғоясига жуда содиқ эканлиги алоҳида уқтириб ўтилди. Шу учрашув якунида стратегик ҳужум қуролларига оид шартнома имзоланган бўлур эди. Ж. Буш ҳам шу фикрда эканлиги айтилди.

А. ПЕРШИН,
ТАСС мухбири.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни

«УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1967 йил 12 октябрда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига (СССР Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1967 йил, 42-сон, 552-модда; 1980 йил, 52-сон, 1121-модда; 1989 йил, 15-сон, 108-модда) ўзгартишлар киритилиб, 13- ва 15-моддалар қуйидагича таҳрирда баён қилинсин:

«13-модда. Ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматнинг 2 йиллик, олий маълумотли аскарлар, матрослар, сержантлар ва старшиналар учун эса бир йиллик муддати белгиланади.

Аскарлар, матрослар, сержантлар ва старшиналарнинг ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўташ тартибини ушбу Қонунга мувофиқ СССР мудофаа вазири белгилаб беради».

«15-модда. СССР мудофаа вазирига зарур бўлган ҳолларда ҳарбий хизматчиларни белгиланган муддатга қўшимча равишда икки ой муддатгача ҳақиқий ҳарбий хизматда ушлаб туриш ҳуқуқи берилади».

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 12 май.

СССР Олий Кенгашининг қарори

«УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги СССР Қонуни эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

2. 1991-1992 йилларда ҳақиқий ҳарбий хизматнинг икки йиллик муддатига ўтилсин, шу даврда 1991 йил 1 январгача ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёки СССР Қуролли Кучларининг бошқа туридан (қўшинлар туридан) ўтказилган Ҳарбий-Денгиз Флоти ва Чегара қўшинлари денгиз қисмлари жанговар таъминот кемалари ва соҳил қисмларининг матрослари ҳамда старшиналари учун ҳақиқий ҳарбий хизматнинг уч йиллик муддати сақлаб қолинсин.

СССР Олий Кенгашининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 12 май.

СССР Олий Кенгашининг қарори

СССР МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА ҲАҚИҚИЙ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТДАГИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ МАТРОСЛАРИ ВА СТАРШИНАЛАРИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ШАРТНОМАГА МУВОФИҚ ИХТИЁРИЙ ТАРТИБДА ҚАБУЛ ЭТИШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. СССР Мудофаа вазирлигига Ҳарбий-Денгиз Флотининг тўртта қўшилмасида 1991 йилда ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларни матрос ва старшина лавозимларига шартномага мувофиқ ихтиёрий тартибда қабул этиш юзасидан 1991—1994 йилларда тажриба ўтказишига рухсат берилсин.

2. Ҳарбий-Денгиз Флоти матрослари ва старшиналари ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматда камида олти ой бўлганларидан кейин улар билан 2,5 йилга шартнома тузилади.

3. Ушбу қарорнинг иккинчи моддасида биноан шартнома тузган Ҳарбий-Денгиз Флотининг матрослари ва старшиналари ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматда қолаверадилар. Улар ва уларнинг оилалари амалдаги қонунларда кўзда тутилган ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланадилар, шу билан бирга мазкур матрос ва старшиналарга оширилган маош тўланади, маошнинг миқдори ва тўлаш тартиби СССР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

4. Ҳарбий хизматчи содир этган жинояти учун суд томонидан ҳукм қилиниши муносабати билан, хизмат вазифасига номувофиқ бўлган ёки ҳақиқий ҳарбий хизматни шартномага биноан ихтиёрий тартибда ўташни истамаган ҳолларда шартнома бекор қилиниши мумкин.

Шартнома бекор қилинган ҳолларда матрос ва старшиналарнинг шартнома бўйича хизмат қилган вақти «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунида белгиланган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатига қўшилмайди ва улар кўрсатилган хизмат муддатини ўтайдилар.

5. СССР Вазирлар Маҳкамаси матрос ва старшиналарнинг ҳақиқий ҳарбий хизматни шартномага мувофиқ ихтиёрий тартибда ўташи тўғрисидаги муваққат низомни уч ой муддатда тасдиқласин.

СССР Олий Кенгашининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 12 май.

Ҳар йили Қуролли Кучларга 100. 000 дан кўпроқ аскар юбораётган Ўзбекистон қўйган шартларни

АРМИЯ ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА

СССР Қуролли Кучларининг Бош штаби билан Ўзбекистон ССР ҳукумати жумҳурият фуқароларининг ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилишини ва хизматни ўташини яхшилаш тўғрисида биринчи марта битим туздилар. Бу ҳужжат армияни демократиялаш сари қўйилган қадам сифатида ҳам муҳимдир. Бундан ташқари, у марказ билан жумҳурият ўртасида янги муносабатлар вужудга келганининг далилидир.

СССР Президенти билан тўққиз жумҳурият раҳбарларининг яқинда қабул этилган қўшма баёнотидан сўнг шу битим юзага келди. Иттифоқдаги ваколатлар фарқлаб қўйилишини эътиборга олиб, жумҳурият мамлакатнинг экстерриториал белгига қараб шакллантириладиган ягона байналмилал армиясини барпо этишда марказни қўллаб-қувватлайди. Бироқ ўз иштирокининг шартлари ва даражасини жумҳуриятнинг ўзи белгилайди.

Ҳужжатда илгари тартибқоидани танҳо ўзи белгилаб келган қудратли ҳарбий маҳкаманинг ҳуқуқларигина эмас, мажбуриятлари ҳам кўрсатилган. Мустақил давлатнинг фуқаролари бўлган йигитларни ҳимоя қилмоқчи бўлган жумҳуриятнинг мажбуриятларигина эмас, ҳуқуқлари ҳам кўрсатилган. Бош штаб ҳам жумҳуриятнинг мана шундай «аралашуви»га рози, чунки битимда таъкидланганидек, ҳарбий масалалар «ССР Иттифоқининг ва Иттифоқ субъектлари бўлмиш жумҳуриятларнинг биргаликдаги ваколати» жумласига киради.

— Имзоланган битим ҳарбий хизмат тажрибасига қандай янгилик киритади? — деб сўрайман Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари генерал-майор В. Маҳмудовдан.

— Энг муҳими шуки, энди Бош штаб билан биз биргаликда истисносиз армияга чақирилувчи ҳар бир кишига — йигитнинг район ҳарбий комиссариатида рўйхатга олинган, уни хизматга тайёрлаш ва хизматни ўташ вақтидан тортиб, то заҳирага бўшатилган жангчининг қайтиб келиши ва ишга жойлашишигача бошдан оёқ эътибор берадиган бўламиз. Жумладан, ота-оналарга ўз ўғлининг қисмга етиб келганлиги тўғрисида хат ёзиб юбориш, командирларнинг номини, хизмат жойи ва шу кабиларни кўрсатиш мажбурий тартибда жорий этилади.

Минтақамизнинг хусусиятлари ҳам ҳисобга олинган. Айтайлик, кўп болали оиланинг икки—уч ўғли айни бир вақтда хизмат қилаётган ҳоллар бўлади. Агар шундай ҳолатда оила оғир аҳволда қоладиган бўлса, армияга чақирилувчини чақириш муддати кечиктирилиши мумкин. Башарти, йигитнинг акаси ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки ўлган бўлса, у чақирилишдан бутунлай озод қилинади. Ўғиллардан қайси бири озод қилинишини ота-оналар ҳал этишади.

— Бироқ армияга чақирилувчи йигит бу ҳуқуқдан фойдаланмаслиги ҳам мумкинми?

— Ҳа, бу ҳам бизнинг хусусиятларимиздан бири— йигитларнинг кўпчилиги армияга интилади. Ҳаётий анъанадан бир мисол. Келин-куёвни унаштириш вақтида келиннинг ота-онаси куёв армия хизматини ўтаб келганми ёки йўқми эканини албатта суриштиради. Агар хизмат қилиб келган бўлса, у бақувват, масъулиятни сезадиган киши, ҳақиқий эркак, бундай куёв билан келин ҳам фахрланади.

Армияга чақирилувчиларнинг сиҳат-саломатлигини текширувдан ўтказишга ҳам талаблар оширилмоқда. Илгари армияга баъзан унчалик соғлом бўлмаган нимжон йигитларни ҳам олавериш эди. Бунга йўл қўйиб бўлмайди, албатта. Энди бундай масалалар жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг билимдон мутахассислари иштирокида ҳал этилади. Ҳарбий қурилиш отрядларига юбориладиган йигитлар эса хизматни фақат Ўзбекистон ҳудудида ўтайдилар.

— Битимда кўрсатилишича, энди жумҳуриятдан армияга чақирилувчи йигитлар Кавказорти ҳарбий округига ва Каспий флотилияси ҳамда Қора денгиз флоти кучларига фақат шахсий ихтиёрий истаклари билангина боришлари мумкин. Хўш, сизнингча, шундай ҳоҳловчилар топиларми?

— Албатта топилади. Ҳа, айтмоқчи, бунда улар имтиёз олишади: таътили узайтирилади, ойига юқори миқдорда — 150—200 сўм маош олишади. Шуни айтиб ўтмоқчиманки, ҳозир Ўзбекистондан бутун мамлакат армия ва флот қисмларида 300 мингдан кўпроқ аскар, сержант ва матрос хизмат қилмоқда. Улар жумҳуриятимиздаги 100 дан ортиқ миллатнинг фарзандларидир. Бош штаб уларнинг ижтимоий ҳимояланишини ва суғурталанишини таъминлайди, уларнинг хавфсизлиги, қисмларда ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартибот мустаҳкамланиши ҳақида ҳар томонлама ғамхўрлик қилади.

— Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг раҳбарлари ёшларга мурожаат этиб, муқаддас фарзандлик бурчини бажаришга: армияда астойдил хизмат қилишга чақирдилар. Аввалги чақириқ ячалик осон ўтмаган эди, шуни ҳисобга олганда, бу мурожаат ёрдам бердими?

— Ишёқмаслик, интизомсизлик ватан ҳимоячиси номига доғ туширади. Бундай иллатлар ислом динида гуноҳи азим ҳисобланади.

А. ОРЛОВ,
«Известия»нинг ўз мухбири.
Ўзбекистон ССР.

(«Известия» рўзномасининг 15 май сонидан).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ў. Қ. ИСМОИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — ЕНГИЛ САНОАТ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ УЮШМАСИ БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Ўктам Қўчқорович Исмоилов Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — енгил саноат моллари ишлаб чиқариш Ўзбекистон давлат уюшмаси бошқарувининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 15 май.

ЦЗЯН ЦЗЭМИНЬ МОСКВАГА ТАШРИФ БУЮРДИ

СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачевнинг таклифига биноан 15 май куни ХКП Марказий Комитетининг Бош котиби, Хитой Халқ Республикаси Марказий ҳарбий кенгашининг Раиси Цзян Цзэминь Москвага расмий ташриф буюрди.

Ўттиз тўрт йил давомида ХХРнинг бу даражадаги раҳбари бизнинг мамлакатимизга келмаган эди. Лекин кейинги икки йил ичида олий даражадаги Совет-Хитой учрашуви иккинчи марта бўлаяпти. Биринчиси 1989 йилнинг май ойида, М. С. Горбачев ХХРга ташриф буюрганда бўлган эди.

ХХР билан Совет Иттифоқи байроқларга ҳилпираб турган Внуково аэропортида Цзян Цзэминни СССР вице-президенти Г. И. Янаев, КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко, бошқа расмий шахслар кутиб олдилар.

Меҳмонга чет давлатларнинг олий раҳбарлари учун кўзда тутилган ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Оркестр ХХР ва СССР давлат мадҳияларини ижро этди. Цзян Цзэминь билан Г. И. Янаев учиш майдонида саф тортиб турган СССР Қуролли Кучлари уч тури фахрий қоровули олдидан ўтдилар. Аэропортдаги маросим фахрий қоровулнинг тантанали юриши билан тугалланди.

* * *

Расмий учрашув маросимининг асосий қисми Кремлнинг Георгий залида бўлди. СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев Цзян Цзэминь билан самимий саломлашди. Улар ўртасида қисқа суҳбат бўлиб ўтди.

В. БЕЗБРЕЖНИЙ,
С. ИВАНОВ,
ТАССнинг дипломатия мухбирлари.

АМАЛИЙ, ОШКОРА РУҲДА

КПСС Марказий Комитети ҳузурида Партия низомномаси асосида бошланғич партия ташкилотлари котибларининг кенгаши тузилган эди. 12-13 май кунлари КПСС Марказий Комитетида ана шу кенгашнинг биринчи мажлиси бўлди. Иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка, вилоят партия комитетларининг тавсиясига биноан кенгаш таркибига 50 киши кирган. Уларнинг ҳаммаси саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, фан, маориф ва маданият муассасалари, ҳарбий жамоаларнинг нуфузли партия ташкилотларига бошчилик қилаётган тажрибали ходимлардир.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ КОТИБЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

Мажлис КПСС Марказий Комитети ва Марказий Назорат комиссияси қўшма Пленуми якунларини кўриб чиқишдан бошланди. Партия ташкилотлари бу якунларни турлича кутиб олганликлари айтиб ўтилди. Шундай экан, бошланғич ташкилотлар ва партия фаолларининг йиғилишларида, партия комитетларининг пленумларида бу якунларни муҳокама қилишга кўпроқ эътибор бериш керак. Бунда баҳсларнинг ҳозир одат бўлиб қолганидек, жойлар билан марказ ўртасидаги муносабатларни аниклашга айланиб кетишига йўл қўймаслик муҳимдир. Партия ташкилотларининг фаолиятида меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб аниқ ишлар томон қатъий бурилиш қилиниши лозим. Партия ташкилотларининг ишлаб чиқариш соҳасига аралашмаслиги тўғрисидаги қоидадан воз кечиш керак. Аксинча, бошланғич партия ташкилотлари айни шу соҳада кўп иш қилишлари мумкин. Хозирги пайтда партия билан замонавий ишчилар ва деҳконлар ҳаракати ўртасида юз берган бегоналикни бартараф этиш бошланғич партия ташкилотларини янгилаш ва уларнинг фаолиятини жонлантиришга бевосита боғликдир. Марказий Комитет 1991 йил апрель Пленуми якунларини муҳокама қилиш ҳамда унинг қарорларини бажаришга доир ишлар партияни мустаҳкамлаши, коммунистларни фаол ҳаракат қилишга чорлаши лозим.

Сўнгра, КПСС бошланғич ташкилотларининг ҳозирги танглик вазиятидаги фаолиятининг барча жиҳатлари хусусида батафсил ва ошкора фикрлашиб олинди. Красноярск ўлкасидаги «Красноярск машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотидан С. И. Малишев; Минск ҳисоблаш техникаси ишлаб чиқариш бирлашмасидан Н. И. Шестернев; Қозоғистоннинг Толдиқўрғон вилоятидаги С. М. Киров номли жамоа хўжалигидан Т. И. Рўзохунов; Ульяновск вилоятидаги «Марс» илмий-тадқиқот илмгоҳидан Н. Н. Поддубний; Краснодар ўлкасидаги «Родина» жамоа хўжалигидан В. И. Колесников; Орёл вилоятидаги «Ока» пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасидан В. Д. Маслова; Латвия денгиз кемачилигидан Э. П. Эглит; Саратовдаги агрегат заводидан А. П. Бесчастнов; СССР Ҳарбий Денгиз Флоти бўлинмасидан И. К. Татарицкий сўзга чиқдилар. Улар бошланғич ташкилотлар XXVIII съезд қарорлари берган кенг имкониятлардан фойдаланишига доир аниқ тажрибадан кўпгина мисолларни келтирдилар. Лекин КПСС янги Низомномасидаги камчиликлар тўғрисида, айниқса қарорларни ижро этиш, партия интизоми, партия ичида юқоридан пастгача алоқалар, партия бюджетини шакллантиришга доир ишлар тўғрисида гапирилди. Низомномага ўзгартириш киритиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқишга дарҳол киришиш таклиф қилинди.

Котиблар кенгаши бу йил ўз эътиборини партия ташкилотларининг кўп партиялилик шароитида, шу жумладан мухолифлик ҳолатидаги ишларнинг сиёсий усулига ўтиши билан, партия турмушини демократия асосларида қайта қуриш билан боғлиқ муаммоларга қаратишга қарор қилди. Барча даражаларда ёшлар билан ишлашга, сайлов кампанияларини ўтказиш тажрибасига ўткир танқидий баҳо берилди, бошланғич партия ташкилотларининг тажрибасига партия комитетлари эътибор бермаётганлиги таъкидланди. Ҳозир бошланғич ташкилотнинг котиби бўлиш фахрли эмас, балки жуда қийин иш, деб таъкидлашди нотиқлар, улар ёрдам ва ижтимоий ҳимояга муҳтождирлар.

Котиблар кенгаши тўғрисидаги Низом лойиҳаси муҳокама қилинди, кенгаш аъзолари бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти ва энг муҳим партиявий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этиш масалалари юзасидан таклифларни тайёрлаш учун методологик орган сифатида кенгаш ўзини самарали кўрсатиши лозим, деган хулосага келдилар.

Партия ташкилотларининг меҳнат жамоаларида ва истиқомат жойларида ўз мафкуравий, сиёсий ва ташкилотчилик вазифаларини амалга оширишдаги, шунингдек кадрлар масалаларини ҳал қилишдаги тажрибасини умумлаштириш; партия турмушини демократиялашга оид таклифларни тайёрлаш; партия ташкилотларининг халқ депутатлари Советларига сайловда иштирокига доир тавсияларни ишлаб чиқиш; бошланғич партия ташкилотларининг касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан алоқалари тажрибасини ўрганиш; партия ташкилотларининг байналмилал муносабатларни ривожлантиришга доир иш тажрибасини умумлаштириш; партия ташкилотлари молиявий-хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни ҳамда бошланғич партия ташкилотлари котиблари ўқувига доир тавсияларни тайёрлаш кенгаш ишининг энг муҳим йўналишлари қаторига киради.

Кенгаш тайёрлаган тавсияномалар бутун партияга тааллуқли бўлади. Кенгаш КПСС Марказий Комитетининг комиссиялари ва айниқса бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янгилаш масалалари билан шуғулланадиган комиссия билан мустаҳкам алоқада иш олиб боради, бошланғич партия ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги барча ҳужжатлар ва материаллардан фойдаланади. Мажлисда сайланган кенгаш раёсатига бўлиб ўтган фикрлашувни ҳисобга олиб низом лойиҳасини пухталаштириш топширилди.

Кенгаш аъзолари мажлис муддатини йилнинг ҳар чорагида бир марта ҳамда КПСС Марказий Комитети Пленумлари, партия конференциялари олдидан ўтказилади, деб белгилаб қўйдилар.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги бошланғич партия ташкилотлари котиблари Кенгаши раиси этиб И. А. Лихачев номидаги Москва автомобиль заводининг деярли тўққиз минг кишилик партия ташкилотига 1985 йилдан бошчилик қилаётган 46 ёшли В. Б. Носов сайланди. Бу ташкилот мураккаб сиёсий вазиятда ва корхонани тубдан янгилаш шароитида иш олиб бориб саросимага тушмади, ўз қиёфасини, ҳаракат қилишда собитқадамлик ва ғайратини сақлаб қолди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитетининг котиблари Ю. А. Манаенков, В. А. Купцов, КПСС Марказий назорат комиссияси раисининг ўринбосари Г. Г. Веселков қатнашдилар ва нутқ сўзладилар. Мажлис ишида КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссияси аппарати ходимлари, партия матбуоти вакиллари иштирок этдилар.

«ЯШИЛ ДЎСТ»ИНГ ҚАД РОСТЛАШИГА ЁРДАМ БЕР

● Дарахтни экишнинг ўзи камлик қиладн — уни парвариш қилиш ҳам керак. Ҳаммага маълум бу ҳақиқатни кўпинча унутиб қўямиз. Шу туфайли республикада ўтган йилнинг кузида ва шу йил баҳорида кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш штабнинг мажлисида асосан шу ҳақда сўзлашилди. Штаб мажлиси 14 май куни Тошкентда бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Бутгров бошқарди. Мажлисда қатнашганлар орасида ўрмон ва боғ икки ойлигида иштирок этаётган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг вакиллари бор эди.

Биринчи Майга қадар, Ўзбекистон ССР Давлат ҳисоб комитетининг куз ва баҳор ойларида экилган ўрмон, мевали ва бута бўлиб ўсувчи экинлар тўғрисидаги маълумотларига қараганда республикада ҳаммаси бўлиб топшириқда кўзда тутилганидан анча кўп ўсимлик экилган. Аслида бу рақам мўлжалланган 117,96 миллион ўрнига деярли 126,6 миллион туп бўлди. Фоиз ҳисобида бу кўрсаткич 107,3 ни ташкил этди. Фарғона, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё ва бошқа бир қанча вилоятларда айниқса яхши меҳнат қилинди. Кўкаламзорлаштириш ишида орқада қолган Сирдарё ва Андижон вилоятидагилардан фарқли равишда айни шу вилоятларнинг саъй-ҳаракатлари ёрдамида топшириқ ошириб бажарилди.

Республикада боғлар барпо этиш топшириққа нисбатан 136,5 фоиз ва узумзорлар барпо этиш 112,4 фоиз қилиб бажарилди.

Наманган, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Андижон каби вилоятларда, Қорақалпоғистонда узоқни кўзлаб кўплаб терак экилганлиги кишини қувонтиради. Ёғочтахтанинг нархи жуда ошиб кетган ҳозирги вақтда бу дарахт ёғочи жуда яхши қурилиш материали бўлиб хизмат қилади. Афсуски, бошқа вилоятларда бундай қилинмади. Лекин ҳар қалай умуман республикада терак белгиланганидан уч ярим баравар кўп экилди.

Тут экишга келганда эса, бу соҳада иш кўнгилдагидек бўлмади. Фақат бухороликлар юқори кўрсаткичга эришдилар. Улар топшириқни 170 фоиз бажаришди. Фарғона, Андижон ва Самарқанд вилоятларида режа ошириб бажарилди. Лекин бошқаларнинг сусткашлиги умумий натижага таъсир кўрсатди — республикада икки миллиондан зиёд тут кўчати кам экилди.

Энди барча кўчатларни яхшилаб парвариш қилиш керак, чунки кўкаламзорлаштириш ишларига жуда катта маблағ сарфланади-ю, бу пуллар кўпинча ҳавога совурилади — ўсимликларнинг жуда кўпи қуриб қолади. Шу туфайли юқори кўрсаткичлар фақат қоғозда бўлмаслиги учун мажлис иштирокчилари янги кўчатларни рўйхатга олиш тўғрисидаги таклифни қабул қилдилар. Бу ишларнинг ҳақиқий аҳволини назорат қилиб туриш имконини беради. Бундан ташқари ўсимликларни парваришлаш бобидаги савод, сизликни тугатиш, бунинг учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, китобчалар ва қўлланмалар тарқатиш керак. «Узсельхозхимия», ўсимликларни ҳимоя қилиш станциялари ходимлари кўкаламзорлаштириш билан шуғулланаётган кишиларга ёрдам беришлари зарур. Яъни малакали ёрдам берилмаса ва кўкаламзорлаштириш билан шуғулланаётган кишиларнинг ўзлари масъулиятни ҳис этиб меҳнат қилишмаса кўчатлар кўкармайди.

Берилаётган топшириқларнинг қанчалик реаллиги кўриб чиқилган яна бир муаммо бўлди. Агар баъзилар топшириқларни уч-тўрт баравар ошириб бажаришаётган бўлса, бошқалар, афсуски, аксинча — ишларнинг озгина қисмини ҳам уддалай олишмаяпти. Шу жиҳатдан янада аниқроқ режалаштиришни йўлга қўйиш зарур.

Мажлисда кўчатлар билан таъминлаш масаласи ҳам ўртага қўйилди. Кузги икки ойликни муваффақиятли ўтказиш учун ҳозирданоқ пойдевор яратиш, «яшил дўст» кўчатларни тарқатиш муаммосини ҳал этиш зарур.

Г. КОВАЛЬ,
ЎзТАГ мухбири.

ДЕҲҚОНЧИЛИК ДОРИЛФУНУНИ ИЛМИЙ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

15 май куни Тошкент деҳқончилик дорилфунуни илмий кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда муаллимлар ва талабалар, жумҳурият олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Мажлисда мутахассислар тайёрлаш сифатини ва илмий-тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан янги олий ўқув юртининг профессор-муаллимлар жамоаси олдида турган вазифалар кўриб чиқилди.

Илмий кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. Икромов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Халқ талаби—ҳақ талаб

ИМКОН ИЗЛАМАСЛИК ОҚИБАТИ

Наманган вилоятида халқ истеъмоли моллаларига бўлган талабни қондириш юзасидан баъзи ишлар олиб бориляпти. Лекин, умуман олиб қараганда... Қуйида шу ҳақда мулоҳаза юритмоқчимиз.

Савдо расталари халқ истеъмоли моллари билан тўла демоқчи эмасмиз. Аксинча, маҳаллий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллаларининг борлари ҳам кейинги йилларда камайиб кетди. Бунинг асосий сабабларидан бири — мавжуд ички имкониятлар бой берилаётгани.

Дарҳақиқат кейинги учтўрт йил давомида вилоят саноат корхоналари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга етарли эътибор бермай қўйишди. Оқибатда айрим оғир саноат корхоналарида жиндек ижобий ўзгариш сезилса-да, баъзиларида ҳатто маҳсулот турлари камайиб кетди.

Кимё заводида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш имкониятлари катта. Бироқ корхона раҳбарларининг лоқайдлиги туфайли бор имкониятдан ҳам фойдаланилмаяпти. Ҳолбуки, оддий пластмассадан турли уйрўзғор буюмлари ҳамда кўплаб шампун, совун, полиэтилен халтача (пакет)лар ишлаб чиқариш мумкин. Ёки тиш ювиш пасталари тайёрлаш аҳволига бир назар ташлайлик. Дўконларда хорижий мамлакатлардан келтирилган қиммат тиш ювиш пасталари бор. Наҳотки, шу оддий буюмларни ҳам вилоят кимё заводида тайёрлашнинг иложи бўлмаса!?

Бизнингча, ишга ижодий ёндашиш, озгина ташаббускорлик етишмаяпти. Ачинарлиси шундаки, кимё заводи 20—25 йилдан буён фақат болалар учун пуфак; шар ишлаб чиқармоқда, холос. Шу давр ичида заводда тўрт-беш раҳбар алмашди. Аммо бирор халқ истеъмоли маҳсулоти ишлаб чиқариш ўзлаштирилмади.

Автоматлаштириш ва механизациялаштириш воситалари машинасозлиги заводида ҳам аҳвол яхши эмас. Бу ерда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ишлари йил сайин орқага кетмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида корхонада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг тўрт тури тўхтатиб қўйилди. Ҳолбуки, имкониятлар етарли. Завод замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Лекин асбоб-ускуналар қувватидан тўла фойдаланишга бефарқ қараляпти. Иш бир сменада ташкил этилган. Зеро, металл шкафлар, эшик-дераза учун ошиқ-мошиқ каби кўплаб халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш мумкин. Бундай аҳвол Наманган тажриба-синов заводи, Задарё, Поп, Норин, Учқўрғон ва бошқа пахта тозалаш заводларида ҳам ҳукм сурмоқда.

Вилоятда замон талабига мос иш юритаётган корхона раҳбарлари ҳам оз эмас. Улар давр билан ҳамнафас бўлишга, ҳозирги оғир шароитда оз бўлса-да, ўз маҳсулотлари билан халқ оғирини енгил қилишга интилишмоқда. Бу борада Наманган «Электростройдетал» заводи фаолияти ибратли. Корхонада ҳозир 7 турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаяпти. Шулардан чойқайнатгич, ёғочни қайта ишлашда қўлланиладиган кичик-кичик станоклар, сув иситгич қозон, янги уй-жойлар учун электр тармоғига ўрнатиладиган трауз (симтортгичлар) тайёрланмоқда. Бундай маҳсулотларни халқ севиб харид қилмоқда. Завод 270 минг ўрнига 2 миллион сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни режалаштирди. Шу йилнинг тўрт ойида 654 минг сўмлик шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Халқ эҳтиёжи асосида иш тутиш — ички имкониятларни ҳаракатга келтириш, ишбилармонлик, ташаббускорлик халқ истеъмоли моллари тайёрловчилар моддий манфаатдорлигини оширишга ҳам ёрдам бермоқда. Ишчилар ойлиги ўтган йилга нисбатан ўртача 100—120 сўм кўпайди. Корхона қувватидан тўла фойдаланиш туфайли ишчиларга 60 сўм ўрнига 125 сўм компенсация тўланмоқда.

Тўрақўрғон трактор ремонт заводи, «Электротерм» заводи коллективлари ҳам халқ истеъмоли моллари тайёрлашда яхши натижаларга эришяпти. Бир сўз билан айтганда имкон излаганлар барака топяпти. Бироқ, бу— ҳали етарли эмас. Вилоятда халқ истеъмоли моллари тайёрлаш аҳволини тубдан ўзгартириш, барча корхоналар жамоалари диққатини халқ истеъмоли моллари тайёрлаш, турларини кўпайтиришга жалб этиш керак.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● Миш-мишлар ва ҳақиқат

ТИНЧЛАНИНГ, ПУЛ АЛМАШТИРИЛМАЙДИ

Ташвишли давримизда «Миш-мишлар қанчалик беҳуда бўлса, унга шунчалик кўпроқ ишонишади» деган эски ҳақиқат яна тасдиқланмоқда. Ўзбекистоннинг бир қанча вилоятларида, ҳатто Тошкентнинг ўзида ҳам шовшув авжига чиқмоқда, уни фақат эллик ва юз сўмлик пулларни алмаштириш ҳақидаги шов-шувга қиёслаш мумкин. Бу гал «хабардор кишилар» пул алмаштирилишини хабар қилдилар. Бу иш... 16 майда бўлар эмиш.

Шугина эмас, бухороликмухбиримизнинг хабар қилишича, у ерда одамлар кўп сонли соқчилар янги пул солинган контейнерлар жойланган махсус вагонни шаҳарга олиб келишганига қатти ишонишяпти. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Бу саволга Ўзбекистон ССР Давлат банки бошқарувининг раиси Э. Боқибоевдан жавоб беришни илтимос қилдик.

— Буларнинг ҳаммаси асоссиз миш-мишлардир, — дейди Эркин Жўраевич дадиллик билан. — Ҳақиқатан ҳам сўнгги кунларда Қорақалпоғистонда, Хоразм, Бухоро, Наманган ва Тошкент вилоятларида, айниқса Тошкент шаҳрида айрим кишилар 25, 10 ва 5 сўмлик пулларни алмаштириш бошланади, деган миш-мишларни тарқатмоқдалар. Яқинда алмаштирилган 50 ва 100 сўмлик пуллар ҳам ислоҳ қилинар эмиш. Бундай миш-мишлар жамғарма банкларида одамларнинг навбатда туришига сабаб бўлди.

Кези келганидан фойдаланиб, шуни расмий равишда айтаманки, пул алмаштирилмайди, миш-мишларга ишонманг. Ўз жамғармангизни сиз жамғарма банкларига қўймоқчи бўлсангиз, марҳамат, банкнинг исталган бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин. Уларнинг ҳаммаси заёмлар ва сертификатлар билан таъминланган. Уларни хоҳлаганингизча сотиб олишингиз мумкин.

Л. ЛЕВИН,
ЎзТАГ мухбири.

Бугун— Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг XVI съезди очилади

● Суратда: Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамияти Европа бош ҳамшираси швейцариялик Мария Форель (ўртада), Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти марказий қўмитасининг раиси Уктамхон Воҳидова ҳамда пойтахтимизнинг Собир Раҳимов ноҳиясидаги 9-поликлиника ҳамшираси Комила Кучербоева ўзаро мулоқотда. Жамият мутасаддилари Комила опанинг номини зўр ҳурмат билан тилга олишади. У йигирма йилдан ошдики, ёлғиз фахриялар ва ногирон кишиларга малакали тиббий хизмат кўрсатиб келади. Пирогов номли медаль соҳиби.

МЕҲР-ШАФҚАТЛИ БЎЛАЙЛИК

● Ўтган давр мобайнида Қизил Ярим Ой жамияти аъзолари сони 8,1 миллион нафардан 9 миллион нафарга етди.

● Шундан шафқат ҳамширалари сони 9 мартага яъни 2220 нафарга ошди.

● Жамиятнинг 234098 нафар жамоатчи инспектори фаол хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда энг оммавий жамоат ҳаракатларидан бири халқаро Қизил Хоч ҳамда Совет Иттифоқи Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари уюшмасининг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ўзининг кейинги беш йиллик фаолиятига якун ясамоқда. Ўтган давр мобайнида жумҳуриятимиз меҳр-шафқат посбонлари партия, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғибот этиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, ёлғиз қолган қариялар, уруш ва меҳнат ногиронлари, кўп болали оилалар, етим-есирлар, байналмилалчи жангчиларга тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасида сезиларли ижобий ишларни амалга оширдилар.

Бугунги кунда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ўз таркибида Қорақалпоғистон жумҳурияти, 11 вилоят, Тошкент шаҳри ва Ўрта Осиё темир йўл қўмитаси, 205 шаҳар ва ноҳия, 1499 участка ҳамда 20748 бошланғич ташкилотларни бирлаштириб турибди. Жамиятнинг ҳаракатдаги устави асосида қурултой арафасида вилоятларда, жойларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари бўлиб ўтди.

Қизил Ярим Ой жамияти тарихида биринчи бор деярли барча вилоят қўмиталарининг фахрий раислари этиб халқ номзодлари, вилоят Кенгашларининг раислари, вилоят партия қўмиталарининг биринчи котиблари сайланди. Бу жамият фаолиятига партия, совет ва маҳаллий органлар томонидан кўрсатиладиган катта эътибордир. Қизил Ярим Ой жамиятининг бош мезони инсон саломатлигини муҳофаза қилишдир. Ана шундай хайрли ишларни асосан жамиятнинг жойлардаги жамоатчи санитар-инспекторлар, сандружиначилар ва санпостлар амалга оширмоқда.

Жумҳуриятимиз бўйича уларнинг ёрдамида турар-жойлар, жамоат-овқатланиш муассасалари, савдо шоҳобчаларида мавжуд бўлган юзлаб санитария қоидаларига риоя қилмаслик ҳоллари аниқланди ва бартараф этилди. Маълумки, жамият қошида 1989 йилда меҳр-шафқат хизмати ташкил этилганди. Дастлабки пайтдаги 225 ҳамшира 3777 кишига хизмат кўрсатган бўлса, ўтган йилнинг охирида 2122 нафар меҳр-шафқат ҳамшираси салкам 14 минг кишига хизмат кўрсатди. Кейинги пайтларда маънавий, маданий қадриятларимиз тикланиб бориши жуда қувончли ҳол, албатта. Инсонга хос бўлган меҳр-шафқатлилик, одамийлик, инсонпарварлик туйғулари турмушимизда қайтадан илдиз ота бошлади.

Тошкент вилояти Ғалаба ноҳиясидаги Свердлов жамоа хўжалиги ўз ҳудудида истиқомат қиладиган ёлғиз қолган қариялар, кам даромадли, кўп болали оилаларни ўз оталиғига олди. Бунда меҳр-шафқатчиларнинг ҳиссаси бор, албатта. Улар нарх-наволар ошиши муносабати билан ҳар бир ёлғиз қарияга, кам даромадли оилаларга бир қопдан ун ва гуруч ажратди. Бўстонлиқ ноҳияси меҳр-шафқат ходимлари эса бошқа бир савобли ишга қўл урдилар. Ҳаётда ёлғиз қолган инсонларга моддий ёрдам бериш билан бирга уларни маънавий қўллаб-қувватлаш ҳам яхши фазилат. Жамият аъзолари бу ерда ёлғизларга ўзаро оила тузишда ёрдам бердилар. Бу тадбирни жамиятимизнинг вилоятдаги барча қўмиталари давом эттириш ниятида.

Ютуқлар кўп. Лекин, бу билан жумҳуриятимизда жамиятнинг роли ва фаолияти рисоладагидек, деб бўлмайди. Вилоятларда тиббий-маиший хизмат учун ажратилаётган штатлардан тўғри фойдаланиш, алоҳида хоналар, замонавий санитария-гигиена ўқув-қуроллари, билан таъминлаш, ёшлар орасида тиббий-санитария кўникмаларини ҳосил қилиш, айниқса экологик ҳалокат ёқасида турган минтақаларда кўнгилли қон топширувчиларга етарли шарт-шароит яратиш борасида ҳали ечимини кутаётган муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш даркор.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти XVI съезди ана шу масалаларга алоҳида эътибор беради. Ўйлаймизки, жумҳурият меҳр-шафқат посбонлари келгусида бу камчиликларни бартараф этиб, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, одамларга меҳр-шафқат улашишдек хайрли ишда ҳамиша яловбардор бўлиб қоладилар.

Зотан, ҳар биримиз атрофдаги меҳр-шафқатга, муҳтож кишиларга ёрдам қўлини чўзишга шошилайлик.

А. ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти марказий қўмитаси раисининг муовини.



● Қизил Ярим Ой жамиятининг ёш аъзолари.

● Пойтахтимизнинг Киров ноҳияси Қизил Ярим Ой жамияти аъзолари ёлғиз қарияларни бепул нонушта билан таъминлашга муҳим ҳисса қўшишмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ИНТИЛИШ

• Коммунист ва давр •

Иброхим РАҲИМ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

Ҳар бир даврнинг ўз мушкулотию ўз муаммолари бўлади ва бу оғир ҳолатдан чиқиш зарурати турли интилишлар, турлича ташаббус ва тадбиркорликни пайдо қилади. Шунга ўхшаш ҳозирги оғир иқтисодий-сиёсий вазиятдан қутилиш учун курашнинг ҳам бошловчилари, ташаббускорию тадбиркорлари — илк қаҳрамонлари етишиб чиқмоқда.

Бундай бошловчиларнинг дастлабки интилишларига Сурхондарё вилоятидаги Жарқўрғон районида гувоҳ бўлдик. Улуғ ат-Термизий юртида буюк Алишер Навоийнинг 550 йиллигига бағишланган Навоийхонлик ўтказардик. Термиз учрашувларидан сўнг Жарқўрғонга таклиф қилишди. «Жарқўрғонга хуш келибсиз». деб ёзилган чегара лавҳаси кўриниши билан йўл манзараси ўзгарди. Унинг икки томонида қирлар қирқилиб, жарлар, зовурлар текисланиб мевали дарахт кўчатлари экилган.

Жарқўрғонликлар азалдан пахтачилик ва чорвачиликдан нон еб келганлар. Бу жойларда тирикчиликнинг бошқа турлари инобатда йўқ эди. Ғалла ёлчитиб экилмас, мевачилик, боғдорчилик, сабзавот-полиз экинлари эса бегонадай эди. Мамлакатни пахтага муҳтожликдан қутқаришни жарқўрғонликлар ўз бурчи деб билардилар. Юқорининг «пахта сендан, озиқ-овқат билан кийим-кечак мендан» деган ваъдасига қаттиқ ишонар эдилар. Вақти келиб, тақчиллик, қимматчилик бошланган кунларда «бозор иқтисодиёти» ҳайқириб келаётган бир мавридда кўзлари очилди.

— Озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзимизни ўзимиз таъминлайлик, йўқса ҳолимиз танг! — деди Жўра Норалиев.

Жарқўрғонда Жўра Норалиевни танимайдиган одам йўқ. Унинг ташаббуси ва бошчилигида не-не мушкуллар осон, қийинчиликлар бартараф бўлган, одамлар унга ишониб ҳеч қачон зарар кўрмаганлар.

«Пахта ери камайиб кетяпти» дегувчиларга Норалиев: «Пахта бир мисқол ҳам камаймайди, аксинча, ери камайса ҳам ҳосили кўпаяди. Асосий даромад пахтадан», деб жавоб қилди.

Шундай қилиб, Жўра Норалиев ташаббуси билан райижроком энг яхши пахтазорлардан деҳқонларга томорқа қилиб бериш, сувли ерларга дон, беда экиш, лалми ерларга мевали дарахт кўчатлари ўтқазиш тўғрисида қарор қабул қилди. Эл бу ишга қатъият билан астойдил киришди.

Жўра Норалиев ўз қишлоғидаги хароб бўлиб қолган колхозни оёққа турғизишда ана шундай қатъият кўрсатиб, ўз ғайратию лаёқатини синаб олган эди. Бу иш усули унга падари Норали Боймуродовдан ота мерос. Н. Боймуродов қишлоқда ўзи бош бўлиб тузган «Коммунизм» колхозига 37 йил раислик қилди. Бутун Сурхонга донғи кетган колхоз ҳар гектар ердан 40 центнергача «оқ олтин» олар, ипак пахтадан ҳам рекорд ҳосил берарди. Боймуродов вафотидан кейин колхоз «чўкиб» қолди. Хўжалик ишлари орқага кета бошлаганда марҳум раиснинг ўғли Жўрабойни олий партия мактабидаги ўқишдан «дадасининг ўрнини боссин», деб чақириб келдилар.

Шунда Жўрабой ишни бирданига раисликдан эмас, балки дастлаб колхоз коммунистларига етакчилик қилишдан бошлади. У партком котиби сифатида жамоа ишларига отаси кўзи билан қараб, изланди. Масъулиятни идрок этгач, раисликка сайланишга хоҳиш берди. Жўрабой отасини кўрганларга яқин бўлди — удум ўрганди, отаси билан бирга ишлаган кишилардан сўраб-билишдан эринмади. Тез вақтда ҳамманинг дилига кириб, ишонч ва обрў топди. Шу туфайли Жўра Норалиев нимага қўл урмасин самараси унумли бўла бошлади.

Бутун Жарқўрғон таниб, тан олган Жўра Норалиевни бир овоздан районнинг биринчи раҳбари лавозимига лозим топдилар. 1988 йили район партия конференциясида «ташкилотчи, ташаббусчи коммунист Жўра Норалиев бир овоздан Жарқўрғон райкомининг биринчи котиби» этиб сайланди.

Олий партиявий маълумоти, деҳқончилик илми ва билимидан хабардорлиги, одамлар орасида чиниққанлиги янги ишда унга мадад бўлди. Район миқёсидаги масъул лавозимда ҳам Жўрабойнинг обрўси янада ошди, негаки у коммунистлар билан, меҳнаткаш омма, зиёлилар билан тезда тил топишиб кетди. Бировлар унинг очиқ кўнгиллилигини ёқтирса, баъзиларга унинг ҳалол, поклигию камтаринлиги, кўпларга унинг ишчанлиги ва ташаббускорлиги ёқди.

Қайта қуриш йилларида «Ҳокимият — Советларга!» деган шиор Жарқўрғонга ҳам етиб келди. Сайловларда Жўрабой Норалиев район шўроси депутати ва меҳнаткашлар депутатлари район шўросига якдиллик билан раис қилиб сайланди. Ўшандан бери у Жарқўрғоннинг бош раҳбари, райком биринчи котиби ва район шўролар ҳокимияти раиси. Яқинда депутатлар жам бўлишиб район Совети билан район ижроқўмини бирлаштирди. Район ижроқўмининг раиси район шўроси раисининг биринчи ўринбосари бўлиб қолди. Жарқўрғонда қўш ҳокимиятчилик битирилди.

Сурхондарёда қайта қуришни тан олсаларда аввалгидай Компартия бирламчи, шўролар иккиламчи. Ҳамма иш райкомда битади. Райкомнинг биринчи котиби — ҳал қилувчи бош раҳбар. Жарқўрғонда ҳам худди шундай. Бунинг боиси раҳбарлик лавозимидаги шахснинг лаёқати, савияси, одамийлиги, маданиятию иш юритишида, деб билмоқ керак. Бизнинг шароитимизда етук раҳбар кучлар партия аппаратларида чиниқадилар. Бинобарин, раҳбарлик ҳам ана шу кадрлар қўлида.

Жўра Норалиевни Жарқўрғоннинг ҳамма ирмоқларини бир оқимга солган етук ва севимли раҳбар, деб ҳурмат қиладилар. Ҳозиргидай қийин шароитда бундай даражага эришиш ва уни сақлаб туриш жуда фахрли. Аммо Жўра Норалиев бу фахрга ўз ақли-идроки, яхши хусусияти ва самарали меҳнати билан эришди, дейишади жарқўрғонлик коммунистлар. Уни ҳурматга сазовор қилган ибратли ишлари нималардан иборат? Саноғи бир дафтар:

— Биринчи бўлиб Навоий номли колхоз қишлоғида ҳазрат Алишер Навоий ҳайкалини қуриш ташаббускори бўлди.

— Районнинг ҳамма қишлоғида ўн йиллик мактаблар қурилди. Шунинг учтаси, энг замонавийси Жўра Норалиев ташаббуси билан қурилди.

— Янги қурилган 6 та боғча ва ясли тарихида унинг роли алоҳида тилга олинади.

— Район маркази газлаштирилди, қишлоқ уйларига газ ўтказилмоқда, ичимлик сув танқислигига барҳам бериляпти.

— Жарқўрғон марказида 14 гектар майдонда маданият ва истироҳат боғи яратилди. Бу Сурхондарё шароитида катта маданий воқеадир.

— Маданий-сиёсий оқартув ишларига берилиб кетибмизу озиқ-овқат, гўшт, сув, мева-чева етиштиришни унутибмиз, — дейди Норалиев. — Пахтамизни сув текин олишганидан кейин буёғини етказиб берадилар, дебмиз. Хатоимизни тузата бошладик.

Жўра Норалиевнинг айтишича, хато тузатиш хароб бўлган эски боғларни тиклаш ва янгитдан мевазорлар яратишдан бошланибди. Хароб бўлиб қолган 40 гектар ердаги эски мевазор боғлар унумли ва ширали мевали кўчатлар билан бойитилди. Янгитдан 60 гектарли ўрикзор, ёнғоқзор, олма ва шафтолизор меваси жарқўрғонликларга етарли, ортиқчаси Термиз шаҳрига юборилармиш.

Боғлар яратиш ҳаракатини бошланғич партия ташкилотлари бошлаб бердилар. Мевазор боғлар яратиш шундай қанот ёйдики ҳамма жамоа хўжаликларининг барча фермалари қошида 2 гектарлик мевазор боғлар пайдо бўлди. Чорвадорлар мева-чева, сабзавот билан ўзларини таъминламоқдалар. Умуман бу йил Жарқўрғонда 560 гектар мевазор яратиш режалаштирилган. Ҳар бир жамоа хўжалиги йилига 30 гектар боғ қилиш мажбуриятини олган.

— Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш энг муҳим партиявий-давлат масаласи бўлиб қолди, — дейди Норалиев. — Шунинг учун барча тадбирий чоралар ана шу муҳим ишга қаратилди. Бу йил 2500 тонна буғдой етиштирамиз. Ҳосил олиш 40 центнерданга мўлжалланган. Аҳолини ун билан ҳам ўзимиз таъминлаймиз. Шу йил 45 миллион сўмлик ун комбинати ишга тушади. Меваларни консерва қилиш учун бир ярим миллион шиша чиқарадиган завод қуряпмиз.

— Гўшт, сут етиштириш қандай?

— Пахта ери ҳисобига чорва озуқаси майдони кўпайди. Гўшт, сут, тухумни бу йил ўзимиздан орттириб, вилоят фондига ҳам катта ҳисса қўшамиз. Шунингдек, 2501 тонна гўшт, 1000 тонна парранда гўшти етиштирамиз. Ўзимиздаги пахта чигитини Денов ёғ заводида мой қилиб келяпмиз.

Жўра Норалиев қаерда бўлмасин, ким билан гаплашмасин озиқ-овқатни кўпайтириш ҳақида гапиради. Барча бошланғич партия ташкилотлари бу борада жонбозлик қилмоқдалар.

Биринчи котиб Жўра Норалиев бошлиқ Жарқўрғон коммунистларининг иқтисодий тангликдан қутилиш соҳасидаги курашларида омад тилаймиз!

ЎЗИГА ХОС МУЗЕЙ

Андижон вилояти ижрокоми ички ишлар бошқармаси қошида ўзига хос музей ташкил этилди. Унга жиноятчилардан тортиб олинган юздан ортиқ ўт очиш ва 200 дан ортиқ оддий қурол-яроғлар қўйилган. Музейга қўйилаётган қурол-яроғларнинг сони бахтга қарши ортиб бормоқда.

— Бу ерга келиб тушаётган ҳар бир нарсанинг ўз тарихи бор, — дейди ички ишлар бошқармасининг эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи, милиция майори Ғуломжон Раҳимов. — Бу нарсалар томошабиларга намойиш қилиш учун тўпланган эмас. Аксинча, бундан мақсад милиция ходимларини жиноятчилик дунёсида қандай «янгиликлар» рўй бераётганидан хабардор қилишдир.

Суратларда: 1. Жиноят-қидирув бўлимининг бошлиғи, милиция катта лейтенанти А. Муҳамедов (чапда) ва бўлимнинг эксперт-криминалистика бўлими эксперти милиция капитани А. Енклеева гиёҳвандлардан тортиб олинган наркотик моддаларни кўздан кечирмоқдалар. 2. Шу бўлимнинг катта эксперт-криминалисти милиция катта лейтенанти С. Нежурин (ўнгда) ва эксперт-криминалист милиция лейтенанти А. Байрахтаров иш устида.

Ш. АЛИМОВ олган суратлар.

(ЎзТАГ).

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«КЕЧИККАН РЎЗНОМАЛАР»

Юқоридаги сарлавҳали мақолада (1991 йил 4 январь) темир йўл почтамти ходимларининг айби билан Қашқадарё вилоятидаги муштарийлар рўзномаларни вақтида олмаганлиги танқид қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан **ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛИ ҚОШИДАГИ ПОЧТАМТ**дан жавоб олинди.

— Мақола почтамт жамоаси иштирокида муҳокама қилинди. Тошкент—Душанбе маршрути бўйлаб йўлга чиққан юк ташиш поезди почта вагони бошлиғи Э. Носиров бетоб бўлиб қолганлиги туфайли рўзномалар тахламини Қарши шох бекатида топширишга улгурмаган.

Лекин почтамт жамоаси почта вагони бошлиғининг ҳатти-ҳаракатини оқлашга бу асос бўла олмаслигини таъкидлайди. Э. Носиров қўшин юк ташиш вагонларидан одамларни ёрдамга чақириши ва мавжуд нашрларни тўлатўкис ўз вақтида топширилишини таъминлаши лозим эди.

Муштарийларга рўзномаларни ўз вақтида етиб бормаслигига сабабчи бўлганлиги учун Носировга ҳайфсан эълон қилинди ва бундай ишларнинг қайта такрорланмаслиги чора-тадбирлари белгиланди.

«ЎЗГАРИШ СЕЗИЛМАЯПТИ»

Ушбу сарлавҳали мақолада (5 март сони) вақтли матбуот нашрларини тарқатишдаги нуқсонлар очиб ташланган эди. Мақола юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ҳақида **ЖУМҲУРИЯТ АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ** қуйидагиларни хабар қилади:

— Мақолада қайд этилган фактлар асосли деб топилди. Самарқанд шаҳрига рўзнома ва ойномаларни ўз вақтида етказиб бермаган айбдорлар—Самарқанд алоқа ишлаб-чиқариш техника бошқармаси ва Тошкент темирйўли почтамти ходимлари жазоландилар.

МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК ЗАРУР

ёки Оролбўйини иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг айрим муаммолари

Орол денгизининг тобора қуриб бориши, Оролбўйи районларини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш муаммолари ҳозирги пайтда фақат Ўрта Осиё ва Қозоғистон жамоатчилигинигина эмас, балки бутун мамлакатимизни, муболағасиз айтиш мумкинки, бутун сайёрамиз аҳолисини ташвишга солмоқда.

СССР Олий Совети иттифоқдош республикалар ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советларига «Орол денгизи атрофидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қатъий равишда илмий асосда ташкил этишни таъминлаш ҳақида илгари қабул қилинган қарорларни бажариш юзасидан назоратни кучайтириш вазифасини» топширганди. Бу табиатдан фойдаланишдаги юксак экологик маданиятни, сув, ер ва ўсимлик ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланишни таъминлайди. Шу муносабат билан мен, айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида ҚҚАССРнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш борасида айрим мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Биринчидан, Қорақалпоғистон тупроғи Ўзбекистоннинг бошқа районларидан фарқли ўлароқ минерал хом ашё ресурсларига бой. Титан-магнетит маъданлари, тальк, турли минерал тузлар, қурилиш материали учун хом ашё, цемент, оҳак, майда тош, гранит, мармар, (бошқа деворбоп материаллар) сероб. Ҳозирча булардан фойдаланилмаяпти. Бундан ташқари, кўплаб қишлоқ хўжалиги хом ашёси — пахта, пилла, қоракўл, жун, шоли, полиз маҳсулотлари ҳам кўп. Бироқ оғир ва енгил саноат секинлик билан ривожланмоқда. Аҳоли ва меҳнат ресурслари эса саноатни ривожлантириш учун етарли. Шуни айтиб ўтиш керакки, бу ерда 1970 йилда 700 минг киши яшаган бўлса, 1990 йилда аҳоли сони 1,2 миллион кишига етди. Минг кишига ҳисоблаганда аҳолининг ўсиш миқдори жумҳурият бўйича 27 нафар бўлса, бу ерда 28,9 ни ташкил этди.

Чоржўй — Қўнғирот — Макат магистрал темир йўли қурилгани қувончли бўлди. Электр энергияси ҳам етарли. Биргина 1989 йилда 3 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Қуввати 730 минг киловатт-соат бўлган Тахиатош ГРЭСи фойдаланишга топширилди. Бухоро — Урал магистрал газопроводи ҳам шу ердан ўтади. Устига-устак Усть-Юртда биологлар табиий газ конини топишди.

Бундан чиқадики, индустрияни тезроқ ривожлантириш учун имкониятлар бор. Бироқ надоматлар бўлсинки, саноат маҳсулотларининг асосий қисмини (цемент, темир-бетон буюмлари, халқ истеъмоли моллари ва бошқалар) мамлакатимизнинг бошқа районларидан келтиришга мажбурмиз. Менимча, Қорақалпоғистоннинг саноатини тезроқ ривожлантириш пайти келди.

Мамлакатимиз оғир вазиятни бошидан кечираётган ҳозирги кунларда биз бутун Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволини яхшилаб боришимиз, айниқса, Қорақалпоғистоннинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш йўлидаги ҳар қандай тўсиқлардан биргаликда ўтиб, индустрлаштиришнинг кенг йўлига чиқиб олишимиз зарур. Бунда албатта умумиттифоқ вазирликларининг ёрдамисиз бирон нарсага эришиш қийин. Масалан, титан магнетит маъданини ва тальк қазиб олишни Иттифоқ Металлургия вазирлигининг ёрдамисиз амалга ошириб бўлмайди. Менимча, бой қурилиш материаллари конларини Бинокорлик материаллари вазирлиги ва Ўзбекистоннинг геология хизмати ёрдамисиз ўзлаштириш мушкул. Агар Енгил саноат вазирлиги, яқинда ташкил этилган мева-сабзавот маҳсулотлари, Ўзбекистон озиқ-овқат саноати концернлари, бошқа вазирлик ва идоралар қишлоқ хўжалиги хом ашё ресурсларини ўзлаштириш, енгил ҳамда озиқ-овқат саноатини ўстиришга ёрдам берсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Бу жалиги ва сув хўжалигини ривожлантиришда кўпгина ечилмаган масалалар бор. Айниқса, суғориш ва қуритиш системаларини таъмирлаш борасида орқада қолинмоқда. Канал ва коллекторлардан сув ўтиши яхши эмас, ерлар шўрланмоқда, бунинг оқибатида шўр ювиш ва суғоришда кўплаб сув сарфланмоқда.

СССР Олий Советининг қарорида ёзиб қўйилганидек, сув хўжалигининг барча системаларида таъмирлаш ишларини амалга ошириш керак. Бу ишда оғир аҳволни ҳисобга олиб Қорақалпоғистонга Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги ва Иттифоқдаги сув хўжалиги қурилиши, «Водстрой» давлат концерни катта ёрдам кўрсатишлари керак, албатта.

Қорақалпоғистон ўзининг табиий-иқлим шароитига кўра авваллари полиз экинлари ва беда уруғи етиштириш билан машҳур эди. Менимча, ана шу шуҳратни тиклаш керак. Беда ва полиз экинларини кўпайтириш зарур.

Сабзавот, мева, узум етиштиришни кўпайтириш муҳимдир. Зеро, Қорақалпоғистон киши бошига ана шу маҳсулотларни истеъмол қилиш бўйича охирги ўринда турибди. Унда 430 минг гектар экин майдони бўла туриб, бор-йўғи 2,9 минг гектар майдонга мева ва 0,2 минг гектар ерга узум экилган, холос. Ваҳолонки, Хоразм вилоятида бу кўрсаткич тегишли равишда 6,7 минг гектар ва 0,9 минг гектарга тенг.

1989 йилда бу ерда 52,8 минг тонна сабзавот етиштирилди. (1981 йилда 81,5 минг тонна эди). Мева ва илдиз мева 11,1 минг тоннани, узум 0,4 минг тоннани ташкил этди. Солиштириш учун айтсак, Хоразм вилоятида бу маҳсулотлар 4 — 5 баробар кўпроқ етиштирилди. Ваҳолонки, Хоразм аҳолиси Қорақалпоғистондагидан 20 фоиз камроқ.

Аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришга эътибор кучайтирилаётган ҳозирги пайтда (бу ҳақда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бир неча бор таъкидлаб ўтганди) ҚҚАССРнинг қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ана шу экинларни кўпайтиришлари керак. Мана шу ерда яшайдиган аҳолининг эҳтиёжини ҳисобга олиб, айниқса мева-сабзавот ва узумни кўпайтириш талаб этилади.

Бу ерда ер майдони кўп бўлишига, аҳолининг анчагина қисми чорва маҳсулотлари етиштириш сирларини яхши билишига қарамай, шу соҳани ривожлантириш имкониятидан тўлиқ фойдаланилмаётир.

Шундай қилиб, менимча, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш ва унинг структурасини такомиллаштириш зарур.

Учинчидан, ҚҚАССР ҳудудида қизилмия яхши ўсади. Унинг илдизи медицина ва бошқа соҳаларда яхши ҳом ашё ҳисобланади. Қизилмия илдизига Япония ва Англия ва бошқа чет эл фирмаларининг талаби ортиб бормоқда.

Қорақалпоғистон қизилмия озуқа хўжалигининг маълумотларига кўра, бу ерда йилига маданийлашган ва ёввойи ўсимликлардан 5-6 минг тонна тайёрланяпти. Прессланган қизилмия илдизи тайёрлаш эса йилига 1900—2200 тоннани ташкил этмоқда. Афсуски, 1988 йилдан бери бу маҳсулотни тайёрлаш камайиб бормоқда. 1990 йилда 1988 йилдагига нисбатан анча кам, яъни 1115 тонна маҳсулот тайёрланди, холос. Бу албатта хўжаликнинг молиявий аҳволига таъсир этмай қолмайди. Агар бир тонна тозаланмаган кондицион илдизга тўланадиган ҳақ шартнома бўйича минг сўм бўлса, унинг пресслангани 1500 сўмдан 1800 сўмгачадир.

Бу йил шартнома бўйича харидорларга 1900 тонна маҳсулот сотиш мўлжалланган. Чунончи, СССР Медицина саноати вазирлигининг Уралдаги экстракция заводига 500 тонна, чет элга 600 тонна «Каракалпакинторг» — экспорт ташкилотига 400 тонна, шартнома бўйича харид қилувчи бошқа ташкилотларга 400 тонна маҳсулот етказиб берилади.

Шундай қилиб, етиштирилган маҳсулотнинг ярмидан кўпроғи четга чиқарилади. Демак, агар бу иш билан янада фаол шуғулланиб, ишлаб чиқаришга тўсиқ бўлувчи муаммолар ҳал қилинса, маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва бунинг ҳисобига тегишли равишда валютага эга бўлиш мумкин бўларди. Валютага муҳтожлигимиз ҳаммага маълум.

Бизнингча, республика мустақилликка эришаётган ҳозирги шароитда бу масалани муваффақиятли ҳал қилиш мумкин. Бу халқ хўжалигига катта иқтисодий самара беради.

Қорақалпоғистондаги совет ва хўжалик ташкилотлари СССР Медицина саноати вазирлигининг «Союзлакрипасайгандан кейин бўшаб қолган ерлар, яъни денгизнинг шўр-қум жойлари 3 миллион гектарга етди. Мана шу ҳудуд атроф-муҳитга ва экин экиладиган майдонларга кучли бўрон пайтида зарар етказмаслиги учун ундан қандай фойдаланиш мумкин?

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1988 йил 19 августдаги қарорига кўра, СССР Ўрмон давлат комитети ва Ўзбекистон ССР Ўрмон давлат комитети ўзларининг илмий-тадқиқот институтлари, яъни «Союзгипролесхоз» ва «СредазНИИЛХ» орқали Орол денгизининг қуруқчил қумли ерларида ва Оролбўйи ҳудудида дарахтзорлар яратишни авж олдиришлари керак.

Ўзбекистон ССР Ўрмон давлат комитети маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда ҚҚАССР Ўрмон хўжалиги корхоналари денгиз ўзанида ўрмонлар яратмоқдалар. Уларнинг ҳисоб-китобига кўра келажакда 250—300 минг гектар ерда шундай дарахтзорлар бунёд этилиши мумкин.

Ўрмончилар ва уларнинг илмий-тадқиқот ташкилотлари ишлаб чиққан тадбирларга кўра, ўрмон уруғчилиги участкалари, саксовул питомниклари ташкил этиш бошлаб юборилди. Чорвачилик совхозларининг ерларида яйловларни муҳофаза қилувчи дарахтзорлар яратиш, тўқайларда ўрмонзорлар бунёд этиш, колхоз ва совхозларнинг ерларида далаларни қумдан ҳимоя қилувчи дарахтларни кўплаб экиш мўлжалланаётир.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлашга ва эътиборга лойиқ, шунингдек, ёрдамга ҳам муҳтож. Бу муҳим муаммони ҳал этиш Орол ва Оролбўйи районидаги экологик ҳалокат шароитида биринчи даражали вазифалардан биридир. Бу — регондаги ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга хизмат қилади. Бу қийин, менимча, жуда оғир муаммо. Бироқ уни Оролбўйи иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида тезроқ ҳал этиш керак. Шу сабабли бу муаммони Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон ва албатта Умумиттифоқ ташкилотлари ёрдами билан амалга ошириш зарур.

Шундай қилиб, Орол ва Орол атрофи районларидаги муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Менимча, бу масалалар илмий-иқтисодий жиҳатдан асосланиб, тезроқ ҳал қилиниши лозим.

Шу боис Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг регионал муаммолари билан шуғулланадиган СССР Фанлар академиясининг илмий кенгаши комиссияси базасида Орол ва Орол атрофи муаммоларига бағишланган илмий марказ ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу илмий марказ фақат регондаги республикаларнинг илмий-тадқиқотларини бирлаштириб ва амалга ошириб қолмай, умумиттифоқ илмий муассасалари билан ҳам мустаҳкам ҳамкорликда иш юритадиган бўларди.

С. ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, СССР Фанлар академиясининг Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон регионал муаммолари илмий кенгаши комиссиясининг раиси.

Хушхабарлар

ҚИШЛОҚ ТЕГИРМОНЛАРИ

Ульянов районидаги «Қашқадарё» давлат хўжалигининг марказий созлаш устахонаси ёнида ташландиқ ётган бино таъмирланди ва у ерда тегирмон қурилди. Тегирмончи Муродхон Олимов ҳар куни 500 килограмм буғдойдан ун чиқармоқда. Тегирмон тўлиқ ишга туширилса, 750—800 килограммгача буғдойни ун қилиш имкониятига эга бўлинади.

«Партия XX съезди», «Москва» давлат хўжаликларида ҳам тегирмонлар ишга туширилди. Яқин вақт ичида райондаги ҳамма давлат хўжаликларида тегирмон, нашнаш, мой ишлаб чиқарадиган жувозлар қурилади.

Ж. ЮСУПОВ,
Ульянов райони.

ЭЛ МАМНУН

Районда аҳолини табиий газ билан таъминлашга катта эътибор берилаётир. Жумладан, 1990 йили районда мўлжалдаги 18 километр ўрнига 38 километр масофага газ қувурлари ётқизилиб, 400 хонадон табиий газ билан таъминланганди. Бундан ташқари 80 километрдан зиёд масофага газ қувурлари ётқизиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаб қўйилди.

К. Маркс номли давлат хўжалигида қишлоқни тўла газлаштириш юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Қишлоқни газлаштириш ишлари шу йили бошланади.

— Ҳозир, — дейди биз билан суҳбатда район газлаштириш идораси бошлиғи Қобилжон Умаралиев, — «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги, «Известия», Тешабой Мирзаев номли, «Москва», Ленин номли давлат хўжаликларида лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш қизғин бормоқда. Шу йили 20 километрли масофага табиий газ қувурларини ётқизамиз. Куйганёр посёлкаси, Энгельс номли, Карл Маркс номли, «Ямбол» давлат хўжаликларида, Киров номли ва И. Ботиров номли жамоа хўжаликларида 600 хонадон йил охиригача табиий газ билан таъминланади.

И. ИСМОИЛОВ,
Андижон райони.

Ҳазорасп да вокзал

Ҳазорасп даги темир йўл вокзали дастлабки йўловчиларни қабул қилди. Хоразмдаги энг кўҳна бу станция районнинг бир юз эллик минг аҳолисига хизмат қиларди. Лекин вокзал йўқ эди. Энди муаммо ҳал қилинди — янги вокзал бир вақтнинг ўзида юздан зиёд одамни қабул қилиши ва жўнатиши мумкин.

Бино замонавий тусда жиҳозланган. Бу ерда зарур хизмат хоналари бор. Уни қуришга қариб бир миллион сўм сарфланди. «Туяму юнстрой» трести бу иншоотни белгиланган муддатда ва сифатли қуриб берди.

(ЎзТАГ мухбири).

ВИЛОЯТЛАРДАН ДАРАКЛАР

ҚАШҚАДАРЁ

НИМА?

ҚАЧОН?

ҚАЕРДА?

- Буюк аллома юбилейи — элу эллар тўйи
- Яхшилар номи — ҳамманинг тилида ва дилида
- Ишбилармонликка таяниб ишлаш — ҳозирги куннинг қатъий талаби
- Бозор иқтисодиёти асосида фаолият кўрсатишнинг дастлабки одимлари
- Ажиб сирни яширган антиқа маскан.

● ҲОЗИРЛИК

НАВОИЙХОНЛИК КЕЧАЛАРИ

● Шу кунларда вилоят мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларида Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги шарафига навоийхонлик кечалари, кўриклар, адабий конференциялар, мушоиралар ўтказилмоқда.

Вилоят кашшофлари саройига «Нафосат гулшани» шаҳар ва район кўриклари ғолиблари тўпландилар.

Вилоят кўриги шартига биноан Алишер Навоий асарларидан байт айтишувлар бўлди. Мақом ва қўшиқлар айтилди. «Навоий ва замон» мавзуида уй вазифаси берилди. Шоир сиймоси расм ва саҳна асарларида ўз ифодасини топди. Бу борада Косон, Усмон Юсупов номли, Қамаши, Чироқчи районлари, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари мактабларидан уюштирилган чиқишлар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

● ХОТИРА

ОЙБЕК БЮСТИ

● Ульянов районидаги 16-мактаб ўзбек совет адабиётининг йирик намояндаси, атоқли адиб Муса Тошмуҳаммад ўғли Ойбек номи билан юритилади.

Қўриқ район марказидаги бу билим масканида меҳнаткашларнинг 800 га яқин ўғил-қизи таҳсил кўрмоқда. Яқинда мактаб ҳовлисида Ойбек бюсти ўрнатилди. Уни маҳаллий ҳайкалтарош Бахтиёр Анваров ишлаган.

● ЭЗГУЛИК

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Қарши мевали кўчатлар етиштирувчи совхозининг номи ўзгарди.

Қарши шаҳрининг кунчиқар томонидаги яйдоқ ерлар ўрнида боғ-роғлар яратилди. Унинг ташаббускори, ташкилотчи коммунист Темир Мирзаев эди. Яқинда унинг номи абадийлаштирилди. Мевали кўчатлар етиштирувчи давлат жамоаси унинг номи билан аталди.

Бу бежиз эмас. Темир Мирзаев ана шу хўжаликни ташкил этган кишилардан бири. 70 ва 80-йилларда давлат хўжалигида минглаб гектар сўлим боғлар вужудга келди. Қишлоқлар водопроводлашди ва газлаштирилди. Савдо, маиший хизмат корхоналари, мактаб ва болалар боғчалари қурилди. Ана шу хизматлари учун Темир Мирзаев икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари ҳамда қатор медаллар билан тақдирланган.

Темир Мирзаев бошлиқ боғбонлар етиштирган кўчатлардан яратилган олмазору ўрикзор, гилосзору бодомзорларни республикамизнинг Бухоро, Хоразм, Сурхондарё каби вилоятлари ва Қорақалпоғистон жумҳуриятида ҳам учратиш мумкин. Эндиликда унинг шогирдлари кўчат экиб, боғ яратишдек эзгу ишни қизғин давом эттирмоқдалар.

● ОЗИҚ-ОВҚАТ

ҚИШЛОҚ КОРХОНАЛАРИ

● Қарши районидаги «Аврора» давлат хўжалигида консерва заводи қурилиши бошлаб юборилди.

Корхона Болгарияда тайёрланган ускуналар билан жиҳозланади. Завод бир кеча-кундузда 150 тонна маҳсулотни қайта ишлайди.

Бундай корхона Шаҳрисабз районидаги «Социализм» жамоа хўжалигида ҳам барпо этилмоқда. Заводда йилига 3 миллион шартли банка турли консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Корхонанинг дастлабки навбатини шу йил август ойигача фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

● ТАДБИР

ДЕҲҚОНЛАР МУЛОҚОТИ

● Мироқидаги дам олиш уйида вилоятдаги пахтачилик, чорвачилик, полиз ва сабзавотчилик бригадаси бошлиқлари, жамоа ва давлат хўжаликлари бош мутахассисларининг қисқа муддатли малака ошириш курси иш бошлади.

Унда 5 мингдан ошиқ киши ўз малакасини оширади. Машғулотларни етакчи олимлар, вилоят агропромсоюз бирлашмаси бош мутахассислари ўтказмоқдалар.

● ОБОДОНЛАШТИРИШ

«АВАЗЧЎЛ» ЧИРОЙИ

«Авазчўл» яйловининг қоқ марказида қад ростлаган гўзал посёлкага назар ташлаган ҳар бир кишининг баҳри-дили очилади. Яқин йилларгача бу ер қир-адирдан иборат эди. Усмон Юсупов районидаги Ғафур Ғулом номли қорақўлчиликка ихтисослашган наслчилик заводи марказида қурилиб, фойдаланишга топширилган турнақатор уй-жойларда чўпон-чўлиқлар ҳаёт кечирмоқдалар.

Ўтган йили охирида посёлкада савдо, маданий-маиший хизмат комплекси қурилиб битказилди. Савдо маркази, ошхона, маиший хизмат уйи ишлаб турибди. Райондаги 236-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари ҳиммати билан яқинда 35 та ҳовлили коттеж қуриб битказилди. Уларга 70 та хўжалик кўчиб кирди. Янги уйжойга кўчиб кирган Қозоқ Ҳимматов, Холниёз Акрамов, Ёмғир Шукуров, Янгибой Каримов сингари қўйчивонлар ҳовли тўйлари ўтказишди.

— Бу йил яна 40 га яқин чўпон оиласи янги уйларга кўчиб ўтади, — дейди наслчилик заводи директори Мамат Жумақулов. — Уйлар анча ёруғ, хонадон ва ҳовли кенг, умуман яшаш учун барча қулайликларга эга. Посёлка водопроводлашмоқда. Газлаштириш лойиҳасини амалга оширишга киришилмоқда. Янги мактаб ва бир қатор ижтимоий иншоотлар барпо этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси хўжалик маблағи ҳисобига бўлмоқда.

Дарҳақиқат, «Авазчўл» посёлкасининг истиқболи порлоқ. Қўчаларга оқар сув ҳам келтирилянти. Бу томорқаларда боғ-роғлар яратиш имконини беради. Хуллас, қўйчивонлар посёлкаси кун сайин чирой очмоқда.



Қайта қуриш ва покланиш шабадасидан кексаларимиз ҳам баҳраманд бўлиб, азалий анъаналар ва удумлар тиклланаётгани, қадриятларимиз йўлга қўйилаётганидан мамнун. Имони бут оталаримиз айниқса маънавият маскани ҳисобланган масжидларнинг қайта таъмирланишидан беҳад хурсанд.

Шаҳрисабз районидаги «Ўзбекистон Компартияси XX съезди» давлат хўжалиги ҳудудидаги Бўзариқ қишлоғида ҳам савобли ишлар қилинди. Бу ердаги қадимий масжид қайта таъмирланиб, жамоа фойдаланадиган бўлди.

Суратларда (чапдан): ҳамқишлоқлар Одилбобо Ғайиров билан Ҳуррамбобо Боқиевлар ва масжиднинг кўриниши.

Суратқаш Б. ИСМОИЛОВ.

● ТИЖОРАТ

ШАРТНОМА АСОСИДА

● Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан вилоят жамоа ва давлат хўжаликларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш юзасидан қайта ишлаш корхоналари билан шартномалар имзоланди.

Шу мақсадда Қарши шаҳрида маҳсулотлар ярмаркаси ташкил этилди.

Ярмаркада 180 дан зиёд жамоа ва давлат хўжалиги иштирок этди. Энди жумҳурият ва Бутуниттифоқ ярмаркаларига тайёргарлик кўрилмоқда.

● ТАДБИРКОРЛИК

ТЕГИРМОН СОЗЛОВЧИ

● «Аврора» давлат хўжалиги меҳнаткашларига қулайлик яратилди. Хўжалик марказида электр энергия билан ишлайдиган тегирмон ишга туширилди.

Тегирмонда бир кеча-кундузда 10 центнер ғалладан сифатли ун тайёрланмоқда.

Тегирмон созловчиси мутахассис эмас. У хўжаликнинг авторемонт цехи бошлиғи Шомурод Жўраевдир. Аҳолининг оғири енгил бўлиб қолди. Пенсиядаги тажрибали механизатор Шомурод ота бекор ўтиришни ўзига эп кўрмай, тегирмонни созлаб, ҳамқишлоқларини мамнун этмоқда.

Ахборотлар туркумини «Совет Ўзбекистони» мухбири М. КАРОМОВ тайёрлаган.

БОЛАЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

МАНЗАРА

Сувга ташлаб ўзини,
Ялпиз турар ялтираб.
Мажнунтолнинг япроғи
Сув юзида қалтирар.

ИРОДА

Довул турса саксовул
Инграниб қўшиқ айтар.
Шамолнинг ашуласин
Берилиб жўшиб айтар.

СИЧҚОННИНГ ҚУРШАПАЛАККА ХАТИ

Тунов куни ўлжа излаб,
Кирсам омбор-тешикка.
Ўтакамни ёраёздинг,
Уриб ўзни эшикка.

Даг-даг титраб учиб қолдим,
Анчагача довдираб.
Мушуквой ҳам билиб қолди,
Миёвлади жовдираб.

Номинг қурсин, бефаросат,
Сўқир кўзинг тош бўлсин.
Қарғишим шу—умр бўйи
Икки кўзинг ёш бўлсин.

ҚУНҒИЗБОЙНИНГ АРЗИ

«Покришкам» ёрилиб
Йўлда қолдим қарангиз, —
Ялпиб дер Қўнғизбой, —
Раҳм қилинг, ярангиз.

—Ишонма,—дер Отмурча,—
Шерникига гап қотиб.
Баҳонаси ўринсиз,
Турибди-ку гап сотиб.

Ҳусанжон АМИНОВ.

БИР УШОҚ ТАРИХИ

РИВОЯТ

Қашқадарё вилоятининг Косон ноҳиясига қарашли Энгельс номли давлат хўжалиги ҳудудида Ушоқтепа деган қишлоқ бор. Одамларнинг ривоят қилишларича қишлоқ номининг тарихи қизиқ бир воқеа билан боғлиқ.

Эмишки, бир савдогар карвон билан ўта туриб, ҳозирги ана шу Ушоқтепа қишлоғи ўрнидаги ялангликда дам олиш учун тўхтаб, туякашларга чодир қуришни буюрибди. От ва туяларга ем-хашак солганларидан кейин савдогар бошлиқ туякашлар ҳам тамадди қилиш мақсадида чодирга киришибди. Сопол косада сувга нон ивитиб еяётган савдогар бир дона ушоқни бехосдан ерга тушириб юборибди. Савдогар тупроқни титкилаб қанчалик ахтармасин, барибир ушоқни тополмабди.

— Қўйинг, бой ота, — дебди туякашлар бошлиғи юпатувчи оҳангда, — бир дона ушоқни деб тупроқни титкилаб ўтирамизми энди. Тезроқ йўлга тушишимиз зарур.

— Йўқ, деб қайсарлик билан туякашлар бошлиғининг фикрини кескин рад этибди савдогар, — машойихлар айтган экан, баракаси бир донада, билмайман қай донада, деб. Балким, бу сафарги савдомизнинг баракаси шу бир дона ушоқдадир. Шунинг учун тушириб қўйганим шу ушоқ донасини албатта топмоғим зарур. Қолаверса, нонинг бутуниям нон, ушоғиям нон, деган нақл бор. Шундай бўлгандан сўнг нонни қандай қилиб уволидан қўрқмасдан, тупроққа қориб ташлаб кета оламан.

Савдогарнинг фикри қатъийлигини сезган туякашлар бошлиғи бош эгиб, сукут сақлабди. Савдогар эса, ҳамма одамларни ишга солиб, чодир ичидаги ернинг тупроғини ғалвирдан ўтказишни буюрибди. Улар уч кечаю уч кундуз тупроқ элаб, эланган тупроқни бир чаккага уяверишибди. Тупроқ уюмидан катта бир тепалик ҳосил бўлибди ҳамки, йўқолган ушоқ топилмабди. Ушоқнинг топилишидан батамом умид узган савдогар тўртинчи куни эрталаб янги пайдо бўлган тупроқ тепаликнинг устига узун таёқни белги сифатида суқиб қўятуриб шундай дебди:

— Бу тепаликнинг номи абадийликка Ушоқтепа бўлиб қолсин. Бу тепалик авлодлар томонидан худди нон ушоғидек эъзозланиб, оёқ ости бўлишига йўл қўйилмасин. Инсон боласи учун нон қанчалик азиз бўлса, бу тепалик ҳам шундай азиз ва мўътабар бўлиб қолсин!

Шу воқеадан сўнг маълум муддат ўтгач, тепалик атрофида шароит тақозоси билан бирин-кетин уйлар қурилибди ва қишлоқ пайдо бўлиб, унинг номи ҳам Ушоқтепа деб атала бошланибди.

Тўғри, бу воқеа бир ривоят. Лекин, ҳар бир ривоят ҳам қандайдир бир мақсад ва мазмун касб этганидек, унда ҳам нон қадридек муҳим масала ўз ифодасини топган. Ушбу ривоят бизга нонинг, ҳаттоки, нон ушоғининг ҳам қадим замонларданоқ эъзозли ва мўътабар бўлиб келганлигини, ризқ-рўзимиз бўлган нонни ота-боболаримиз азалдан қанчалар қадрлаганликларини, абадийликка шундай бўлиб қолажагини исбот этувчи ҳаётий далилдир.

Дарҳақиқат, нонни имон даражасида асраш ва авайлаш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим.

Нормамат ТОҒА,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

«ОРОМ»НИ БИЛАСИЗМИ?

«Ором — 1» ва «Ором — 2» янги нордон-сут маҳсулоти Ўзбекистон Фанлар академиясининг Микробиология институти билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Педиатрия илмий-текшириш институти ҳамкорлигида яратилган.

«Ором»нинг асоси, яъни қуритилган ачитқи ривожланган капиталистик давлатлардан ихтиро учун патент олди ва СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг кумуш ва олтин медалларига сазовор бўлди.

Нордон-сут бактерияларнинг яшаш шароитида сут оқсилларининг парчаланиши натижасида осон ҳазм қилувчи пептидлар ва қиммати аминокислоталар ҳосил бўлади.

● ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК!

«Ором — 2» ичбуруғ, салмонеллез, юқумли сариқ касаллиги, сурункали гастрит, сурункали энтроколит, сурункали холецистит, юқумли ва сурункали ўпка касаллиги, сил, қандли диабет, юрак хасталигининг олдини олади ва даволайди.

«Ором—1» ва «Ором—2» икки-уч ойлик болалар ва ўсмирларга ҳамда катталарга тавсия этилади.

Бугунги кунда «Ором» нордон-сут маҳсулотини жумҳуриятимизнинг сут маҳсулотлари таёрлайдиган ошхоналарида тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Яқин кунларда «Ором»ни сут заводларида тайёрлаш бошланади.

О. БЯ,
Р. ҲУСАМИДДИНОВ,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимлари.

СПОРТ

КУРАШ:

ҚИТЪА ЧЕМПИОНИ

● ИСРОИЛ пойтахти Тель-Авивда ўтказилган Европа чемпионати кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Маълумки, курашнинг қуролсиз ўз-ўзини ҳимоя қилиш усули — самбога Ватанимизда асос солинган. 7 мамлакат вакиллари иштирок этган мусобақада самбочиларимиз бўш келмасликка ҳаракат қилишди. 8 нафар курашчимиз олтин медални қўлга киритиб, қитъа чемпиони бўлди. Ғолиблар орасида 68 килограмм вазнли тошкентлик Феруз Аъзамов ҳам бор эди. Бундан ташқари СССР жамоаси вакиллари биттадан кумуш ва бронза медалларига ҳам эга бўлишди.

ФУТБОЛ:

ОРАЛИҚ МАРРА САРИ

● ОЛИЙ ЛИГА жамоалари яна тўрт мартадан майдонга тушгач, довон ошилади. Ҳозир ҳар бир жамоа оралиқ маррадан муваффақиятли ўтишга интилмоқда. Бўлиб ўтган 11-тур учрашувлари ҳам кўпгина командаларнинг мавқеини мустаҳкамлашга имкон берди. Мавсум бошидан бери карвонбошиликни бой бермаётган пойтахт армиячилари Владикавказ спартакчиларини қабул қилиб (2:1), жами очколарини 18 тага етказишди. Қолган ўринларни эгаллаб турган 6 жамоада бир хил—12 тадан очко тўпланди. Чунончи, «Металлист», «Шахтёр», «Спартак» (М), «Арарат», «Торпедо», «Помир» футболчилари фахрли ўринларга даъвогарлик қилишмоқда. Учрашувлар эса «Черноморец» ва Москва спартакчилари (1:1), «Металлург» — «Арарат» (1:1) жамоалари ўйини билан якунланди. Пахтакорчилар навбатдаги учрашувни ўз майдонларида Владикавказ спартакчилари билан ўтказишади. Футболчиларимизда 7 очко тўпланган.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ТОШКЕНТ МАШИНАСОЗЛИК ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

доцентлар: машинасозлик технологияси (3), машинасозликда иқтисод ва уни ташкил қилиш (3), тракторсозлик, қишлоқ хўжалиги машиналари (1; 0,5; 0,5), совутиш ва компрессор машиналари ва қурилмалари, механизмлар ва машиналар назарияси (2), механикавий ишлов бериш технологияси (2), учиш аппаратларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш, техникавий системаларда автоматика ва бошқарув (3), технологик ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш (0,25);

катта ўқитувчилар: машинасозлик технологияси, металл қирқувчи дастгоҳлар ва асбоблар, материалшунослик, тракторсозлик (1-ўзбек тилида «Трактор назарияси» курсини олиб бориш учун), умумий электр техникаси ва электроника, чет тиллар (1-немис тили, 2-француз тили);

ассистентлар: машинасозлик технологияси, машинасозликда иқтисод ва уни ташкил қилиш, материаллар қаршилиги, ички ёниш двигателлари, машина деталлари, механизмлар ва машиналар назарияси (2), аэрогидромеханика (2);

ўқитувчилар: ўзбек тили (3), чет тиллар (3-инглиз тили);

ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ УЧУН ТАЙЁРЛОВ ФАКУЛЬТЕТИ

мудирлар: умумтаълим фанлари, рус тили;

катта ўқитувчилар: умумтаълим фанлари (1-кимё, 1-математика);

ўқитувчилар: рус тили (2);

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

катта ўқитувчилар: олий математика, кукунсимон материалларнинг пластик деформацияси;

ассистентлар: умуммуҳандислик фанлари.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг
ТОШКЕНТ ҲИСОБ-БУХГАЛТЕРЛИК ТЕХНИКУМИ
1991—1992 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕХНИКУМ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ КОРХОНАЛАР УЧУН: бухгалтерия ҳисоби, назорат ва режалаштириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлашни ташкил этиш ва товаршунослик ихтисослари бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

Техникумнинг кундузги бўлимига 30 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар қабул қилинади.

Кундузги бўлимда ўқиш муддати ўрта маълумотлилар учун 1 йилу 10 ой.

Ўрта маълумотга эга бўлганлар она тили ва адабиётдан (диктант), математика (оғзаки) кириш имтиҳонларини топширадилар.

Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган, Совет Армиясидан ҳарбий хизматни ўтаб келган ҳарбий қисм тавсияномасига ёки ҳарбий комиссариатнинг имтиёзли ҳуқуқ гувоҳномасига эга бўлган шахслар танловсиз қабул қилинади.

Кундузги бўлимга ариза ва ҳужжатлар 1 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 15 июлдан 25 августгача ўтказилади.

Техникумнинг сиртқи бўлимига 10-синф ҳажмидаги маълумотга эга, ёшидан қатъий назар мутахассислик бўйича ишловчи камида икки йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган шахслар қабул қилинади.

Сиртқи бўлимга ариза ва ҳужжатлар 10 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 10 июндан 30 августгача бир неча даврада ўтказилади.

Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: ариза, маълумоти ҳақида аттестат (асл нусхаси), соғлиғи тўғрисида тиббий маълумотнома (086/Ў намуна), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, ягона форма бўйича расмийлаштирилган йўлланма, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат.

Кундузги бўлим ўқувчилари ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникум манзилгоҳи: 700209, Тошкент шаҳри, 3-Сирғали даҳаси, 49-уй (40, 58, 75, 98-автобуслар; 19-троллейбуснинг «3-Сирғали» бекати). Телефонлар: 57-26-98, 57-26-54.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ЗООЛОГИЯ ВА ПАРАЗИТОЛОГИЯ ИЛМГОҲИ
Лабораториялар бўйича бўш лавозимларга
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир, катта илмий ходим: териология;

кичик илмий ходим: орнитология;

катта илмий ходим (хўжалик шартномаси бўйича): тажрибавий энтомология.

Танлов муддати — 20 майгача.

Ҳужатлар, танловлар тўғрисидаги низомга мувофиқ, қуйидаги манзилга юборилсин: 700095, Тошкент шаҳри, А. Ниёзов кўчаси, 1-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
МИКРОБИОЛОГИЯ ИЛМГОҲИ
бўш лавозимларга
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Лабораториялар мудирлари: вирусология, микроорганизмларнинг ферментлари, генлар мухандислиги, азотфиксация, тупроқ микробиологияси, сув микробиологияси, микроорганизмларнинг тўпламлари, рудали микробиология ва биотехнология.

Танлов муддати — 24-майгача

Ариза ва ҳужжатлар, танловлар тўғрисидаги низомга мувофиқ, қуйидаги манзилга юборилсин: 700128, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7«б» уй.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/V да **Пиковая дама**, 21/V да **Риголетто**, 22/V да **Оққуш кўли**, 23/V да **Алишер Навоий**.

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/V да **Искандар** (премьера), 17/V да **Қопқоқ** (премьера), 18/V да **Фармонбиби аразлади**, 19/V да **Отасининг қизи**.

Тошкент машинасозлик олий билимгоҳининг Машина ва аппаратларни лойиҳалаш куллиёти жамоаси «Машина ва механизмлар назарияси» кафедраси мудири, профессор А. Жўраевга отаси

Жўра ТОЖИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Кимё илмгоҳи жамоаси адсорбция азмоишгоҳи мудири, кимё фанлари доктори, профессор Э. Ориповга ўғли

Пўлат ОРИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими— 33-41-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб —32-54-29; фельетонлар—32-54-54-27; безатиш—32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5381.

№ 92. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12